

Бугун юртимиздаги барча мактабларга китоблар карвони жўнатилди
21 октябрь -Ўзбек тили байрами куни муносабати билан Халқ таълими вазирлиги томонидан “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижод уйи билан ҳамкорликда 118 мингта бадиий адабиётлардан иборат китоблар карвонини республикамиздаги барча мактабларга жўнатилди.

Бу ҳақда Халқ таълими вазирлиги [маълум қилмоқда](#).

Мазкур “Китоб карвони”дан Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон халқи қўшган муносиб ҳиссасига бағишланган китоб-альбом ва “Рус адабиёти дурдоналари” асарлар мажмуаси ўрин олган. Бу билан ўқувчилар ўртасида китобхонликни янада тарғиб қилиш, уларнинг маънавий дунёсини бойитиш, миллий ва жаҳон адабиётини тизимли тарғиб қилиш орқали уларда ватанпарварлик, эзгулик, инсонпарварлик сингари юксак инсоний фазилатларга ва ўзбек тилга нисбатан меҳр ва муҳаббат уйғотиш мақсад қилинган.



Фото: Республика Халқ таълими вазирлиги

“Рус адабиёти дурдоналари” асарлар мажмуасидаги Николай Васильевич Гоголнинг “Деканка қишлоғи оқшомлари”, “Ўлик жонлар”, Михаил Юрьевич Лермонтовнинг “Қора кўзлар”, Лев Николаевич Толстойнинг “Тирилиш” ва бошқа шу каби ~~11 номдаги~~ бадиий асарлар ўзбек тилига таржима қилиниб, ~~107 минг~~ ¹¹² **нусхада** чоп этилди. Шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон халқи қўшган муносиб ҳиссасига бағишланган **11 минг нусхада** китоб-альбом ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашрдан

чиқарилди.

Мазкур китоблар таълим муассасаларига етказилгандан сўнг “Китоб тақдимоти”, “Адабиёт кунлари” каби тадбирлар ташкил этилиши режалаштирилган.

2020-10-21 16:18:26